# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввалги асрларда Чор Россияси босиб олган Урта Осиёни генерал-губернаторлар қандай идора қилган бўлса, совет замонида ҳам ўлкамиз худди шу зайлда идора қилинди.

Шунинг учун Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкали Москвада ўрнатилганлигини мен, биринчи навбатда, мустақиллигимизнинг меваси, деб биламан. Зотан, биз Мустақиллик сабаб дунёда бу қадар қадр топдик. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатимиз туфайли жаҳонда бўй кўрсатдик, обрў-эътибор қозондик, муносиб қадрландик. Худди шу боиски, Россия ҳам бизни қадрлади, Москва бизга эътибор қаратди. Президентимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, хусусан, Москва мэри билан мулоқотларининг натижаси ўлароқ, ана шу ҳайкал Россия Федерацияси пойтахтида қад ростлади.

Москвада буюк ўзбек шоирига ҳайкал ўрнатиш ғоясини қўллаб-қувватлаган россиялик бир гуруҳ фан ва маданият намояндалари ташаббусини, умуман, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожини миннатдорлик ила тилга олиш ўринлидир.

Ҳазрат Навоийнинг "Лисон ут-тайр" ("Қуш тили") фалсафий достонидан илҳом ва сурур олган таниқли ҳайкалтарошимиз Равшанбек Миртожиев, шунингдек, россиялик меъморлар — Александр Кузьмин ва Игорь Воскресенский ижоди маҳсули бўлган бу ҳайкал инжа бир ёдгорликка айлангани, Москванинг кўркига-кўрк қўшиб, мағрур қад кўтариб турганини, бобомиз сиймосида асл шарқона салобат шоён акс этганидан мамнунман.

Алоҳида эътиборга молик томони — бобомиз ҳайкали Москванинг қоқ марказига қўйилди. Ҳайкал ўрнатилган уч метрли гранит пойдеворда Ҳазратнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари битилган:

*Олам аҳли билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлинг бир-бирингизгаки,*
*эрур ёрлиғ иш.*

Биласиз, Тошкентда пойтахтимизнинг шарқи билан ғарбини туташтирувчи икки кўча бор. Бирининг номи — Навоий, иккинчиси — Пушкин кўчаси. Бул икки зот турли замонларда яшаган, турли тилларда ижод қилган. Лекин иккаласи ҳам ўзларининг қийин ва мушкул замонасида инсон қалбининг озодлигини, муҳаббат ва эзгуликни куйлаган. Худди шу жиҳатдан Навоий ҳам, Пушкин ҳам — бизнинг замондошларимиз.

Кези келганда айтай, Навоийнинг диний фанатизмга қарши қаратилган ўткир сўзлари риёкор зоҳидлару шайхларни фош этиб, инсониятни уларнинг алдовларига учмасликка чақиргани бугун ҳам биз учун огоҳлантирувчи бонг каби жаранглаб турибди. Навоийнинг ана шу мавзудаги мисраларини ҳар гал ўқиганимда, бу сатрлар худди бугун эрталаб ёзилгандек таассурот уйғотишидан ҳайратланаман.

Дарвоқе, Москва шаҳри мэри ҳам шунга яқин фикр билдирди.

"Алишер Навоий узоқ замонларда яшаб-ижод этган бўлишига қарамай, унинг ижоди бугунги кунда ҳам, келгусида ҳам долзарб ва замонавий бўлиб қолаверади", деди Юрий Лужков буюк шоир ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида. У Президентимизга, халқимизга ва ана шу ҳайкал ижодкорларига миннатдорлик билдирар экан: "Бу — Москвага Ўзбекистоннинг ғоят бебаҳо бир ҳадяси бўлди", деди.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг бутун дунёда ўзбекнинг қадр-қимматини ошириш йўлидаги саъй- ҳаракатлари, миллатимиз қадрини юксалтиришни бош мақсад деб билаётганлари — бу ниҳоятда буюк иш. Ўйлаб қаранг, ўн йил илгари ўзбек қайси даражада эди, қаерда эди? Бугун жаҳонда юртимизга нисбатан меҳр-муҳаббат, эътибор ортиб бормоқда.

Шундай экан, бир кун келиб ҳазрат Навоий ҳайкали Осиё, Европа мамлакатларида, балки океан ортида ҳам ўрнатилса, ажаб эмас. Наинки Навоий, балки Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби буюк боболаримизнинг ҳайкаллари дунёнинг турли пойтахтларида қад ростлашига энди ишонсак бўлади. Зеро, бизда шунга асос, замин яратиляпти. Ўзбекларни, Ўзбекистонни дунё таниди. Халқимизнинг жуда қадим маданиятга, катта тарихга эгалигини, қалби ниҳоятда бой одамлар эканимизни, дунё ҳамжамиятига тенглар ичра тенг бўлиб қўшилаётганимизни бани башар ҳис этиб, кўриб-билиб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, Москвада Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали ўрнатилгани жуда катта аҳамиятга эга. Бу — бизнинг маданиятимизга, халқимиз тарихига, бугунига, умуман, бизнинг ота-боболаримизга дунёнинг эҳтиром билан қараётганидан далолатдир. Шу боис буни тарихий воқеа, мустақиллик йилларида жаҳон саҳнасида қўйган залворли қадамларимиздан бири, ғуруримиз тимсоли, деб биламан.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО**
**ёзиб олди.**

Тадбир

# Ҳуқуқий билимдонлар беллашуви

*Асосий Қонунимизнинг ўн йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси республикамиз пойтахтидаги академик лицейлар ўқувчилари ўртасида диққатга лойиқ яхши бир тадбирни — ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаётган лицей ўқувчиларининг шаҳар миқиёсидаги беллашувини уюштирди.*

Ушбу тадбир икки босқичда олиб борилди. Аввал ҳар бир лицейда энг билимдон ўқувчилар орасидан олти нафари танланиб, беллашувга қатнашувчи жамоа шаклида шакллантирилди. Улар махсус дастур асосида тайёргарлик кўрдилар. Ҳар бир лицей жамоаси ўз эмблемаларини ҳамда "Конституция ва биз" мавзуида плакатлар тайёрлаб, беллашувнинг иккинчи босқичига келдилар.

Ҳал қилувчи босқич Тошкент давлат техника университетининг Чилонзордаги академик лицейи биносида бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги ўн олтита академик лицей вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Болалар ҳуқуқлари конвенциялари бўйича синов бўлди. Кейин қонунни муҳофаза қилиш органлари ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари беллашув қатнашчилари билан "Давра суҳбати" ўтказиб, кимнинг кимлигини аниқладилар. Ниҳоят, "Биз ва қонун" мавзусидаги ҳозиржавоблик танлови билан тадбир якунланди.

Ҳуқуқий билимдонлар беллашувида танловнинг барча шартларини муваффақиятли бажарган Тошкент юридик институти қошидаги академик лицей вакиллари биринчи ўринни, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти академик лицейи вакиллари иккинчи ўринни, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик Сирожиддинов номидаги лицей вакиллари учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиблар БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси, Ўзбекистондаги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

**М. САФАРОВ.**

## Ташриф давом этмоқда



**Россия Президенти Владимир Путиннинг Ҳиндистонга қилган расмий ташрифи давом этмоқда. Кеча Кремлнинг юқори мартабали намояндаси Ҳиндистон Президенти Абдул Калам, мамлакат Бош вазири Атал Бихари Важпаи билан учрашди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Маълум бўлишича, Россия раҳбари ўтказилган музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларидан қониқиш ҳосил қилмаётганлигини алоҳида таъкидлаган.**

## АҚШ долларининг ранги ўзгарадими?

***Ҳа, АҚШ пул белгилари бюроси долларнинг рангини ўзгартиришга қарор қилди. Бу ҳақда «Лос-Анжелес таймс» газетаси хабар беради. Унда ёзилишича,дастлаб 20 долларлик купюранинг янгиси чиқарилади. Маълум бўлишича, у келаси йилнинг кузида муомалага киритилади. Кейинги бир ярим йил давомида 50 ва 100 долларлик купюраларнинг ҳам ранги ўзгартирилади. Бироқ уларнинг ўлчами ва президентлар сурати сақлаб қолинади. Ўзгариш фақат долларнинг рангига тегишли бўлади, холос. Олдинги кўк рангдан фарқли ўлароқ, янги банк қоғозларининг ҳар қайсиси ҳар хил рангда чиқарилади.***

## Германия қўллаб-қувватламоқда



***Шу кунларда Германиянинг Бонн шаҳрида Афғонистон бўйича иккинчи халқаро конференция давом этмоқда, дея хабар тарқатади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Мазкур анжуманда Германия ташқи ишлар вазири Йозеф Фишер сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият Афғонистонга бундан буён ҳам ёрдам беражагини маълум қилди. Вазирнинг таъкидлашича, жаҳон ҳамжамияти Афғонистонда бир йил аввал бошланган барқарорлик ва тикланиш жараёнини охирига етказиши керак. Жумладан, Германия Афғонистонни бундан кейин ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.***

## Элчихоналар ёпилди

***Associated Ppess агентлигининг хабар беришича, Австралия Филиппиндаги ўз элчихонасини ҳали очиш ниятида эмас. Маълум бўлишича, Австралия ҳукумати мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан Филиппиндаги элчихонага жиддий террор ҳаракатлари содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги ишончли маълумотни олган. Шу туфайли мамлакат у ерда ўз элчихонасини ёпишга мажбур бўлган эди. Айни пайтда Канада ҳам Филиппиндаги ўз элчихонасини номаълум муддатга ёпишга мажбур бўлган.***

## Қарор норозиликка сабаб бўлди

***Би-Би-Си хабар беришича, Буюк Британия ҳукуматининг мамлакатдаги университет ва коллежларида таълим олиш учун тўланадиган контракт пулларини ошириш ҳақидаги қарори талабаларнинг катта норозилигига сабаб бўлган. Маълум бўлишича, ҳозирда 20 минг нафар талаба Лондон марказида норозилик намойиши ўтказиш арафасида турибди. Ушбу хабарда айтилишича, ҳозирда Буюк Британия олий ўқув юртларида ҳар бир талаба йилига 1100 фунт стерлинг ( 1730 АҚШ доллари) атрофида пул тўлайди.***




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ СОТИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА
ОЧИҚ ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) ЎТКАЗАДИ.
Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.
*Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун 2002 йил 16 декабрь соат 14.00гача буюртма беришлари ва вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Ракат» бўлимидаги 20203000700114490001 ҳисоб рақамига, МФО 00435, ИНН 201190645 Марказий банк курси бўйича 50 АҚШ доллари миқдорида қайтарилмайдиган маблағ ўтказишлари лозим.*
**Тендер таклифлари 2002 йил 20 декабрь соат 14.00гача қабул қилинади.**
Вазирлик манзили: Тошкент шаҳри, А.Авлоний кўчаси, 20-«А» уй.
Маълумот учун телефонлар: 139-48-82, 46-99-04, факс: 139-17-94.
6556/2434

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28
6590/2472

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
05

UCD Group MICROS
ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИЛАР
• Дозаторлар
• Автомобиль
• Вагон
• Платформа
• Лаборатория тарозилари
Ишлаб чиқариш, модернизация, сервис хизмати
С.Азимов кўч., 72 «А» тел.: 56-25-57, 56-05-77 факс: 132-06-85
E-mail: scales@ucd.uz www.ucdgroup.com
6588/2476

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ
ЭНДИ УРГУТ ва КАТТАҚЎРҒОНДА!
ЯНГИ
ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ (SMS)
+
ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ (VMS) (АВТООТВЕТЧИК)
БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!
ЯҚИНДА
УРГАНЧ
НУКУС
ХИВА

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),
2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови (АҚШ долларида) | Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) | Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2,0 | 0.08 | 0.10 |
| Престиж | 125,0 | Бепул | |

Илова:
«Ўздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

UZDUNROBITA first cellular
Кечаю кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Ўздунробита" ҚК телефонларидан - 611.
Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz
УзАСИ АА №0000104

Спорт

# Ғолиблар аниқланди



Футбол бўйича 11 мамлакат чемпионатининг сўнгги 30-тури ҳам поёнига етди. Мухлислар учун кутилмаган натижаларга бой бўлган ушбу мавсумнинг ўрталаридаёқ олий лига жамоаларининг қай бири астойдил ҳаракат қилганлигию, қайсиси номигагина ўйнаётганлиги маълум бўлиб қолган эди. Шу маънода, дастлаб пойтахт жамоалари ҳақида гапирадиган бўлсак, «Пахтакор» шу йилда кескин ҳаракатларга бой ўйин намойиш этиб, муддатидан олдин чемпионликни қўлга киритган бўлса, «Трактор» асосан олий лигада қолиш учун ҳаракат қила бошлади. Ушбу ҳолатни якуний 30-турда ҳам кузатилди. Айтиб ўтиш жоиз, мазкур жамоанинг «Пахтакор» билан кечган учрашуви 4:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Агар «Трактор» жамоаси мана шундай ҳужумкорликни олдинроқ ишга солганида юқорироқ ўринни эгаллаши турган гап эди.

Шунингдек, Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси «Бухоро» устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ишқибозлар кўнглини шод этди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси «Насаф»ни ўз майдонида қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозониши қаршиликларни бронза медалидан маҳрум қилди. Учинчи ўринни эгаллашни деярли нақд қилиб қўйган «Қизилқум» жамоаси сафарда «Қўқон-1912» клуби билан дуранг натижа (2:2)га эришиб, совриндорлар сафидан жой олди.

Ушбу жамоалар мавсум бошиданоқ мухлисларга чиройли ўйин намойиш этиб келган бўлса, қолган жамоалар фаолиятида қатъият етишмади. Хусусан, «Сўғдиёна» ва «Зарафшон» клублари олий лигани тарк этди. Уларнинг ўрнини эса Фарғонанинг «Цементчи» ва Сирдарёнинг «Гулистон» жамоалари эгаллашди.

Шундай қилиб, жорий йилги мавсум якунланиб, ғолиблар аниқланди, совриндорлар маълум бўлди. Энди ҳамма гап бўлиб ўтган учрашувлардан тўғри хулоса чиқаришда қолди.

Дарвоқе, 30-тур учрашувлари якунланган бўлса-да, кеча Фарғонада ҳеч қандай аҳамият касб этмаган «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечиктирилган тур учрашуви ўтказилди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР — БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сонли «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕННИС МАЖМУИДА

2002 йил 9-14 декабрь кунлари

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО

ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

Ярмаркада: «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпарранда-холдинг» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзпаррандасаноат» уюшмалари, «Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси, «Ўзбалиқ», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари томонидан 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.

ЯРМАРКАДА:

- СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- БАЛИҚ ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ;
- ҚАНДОЛАТ ВА МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ;
- СПИРТЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР;
- КОНСЕРВАЛАР;
- ҚУРУҚ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ

ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилади.

Ярмаркада 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ана шу маҳсулотларни харид қилиш учун республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча истеъмолчилар билан шартномалар тузилади.

Ярмарка манзили: 700057, Тошкент ш., гвард. полковник Хўжаев к., 1-уй.
Мўлжал: марказий телеминора, метронинг «Бодомзор» бекати.
Телефон: 139-46-97.

Ярмаркага марҳамат!




Хикмат

*Агар яхши*
*тутса ҳар ким*
*ўз хулқини,*
*Ҳам ўзини*
*севинтирар, ҳам*
*халқини.*

***Бойчиборлар дупури***
***Юраклардан ўтади.***

**Абдуғани ЖУМА**
**олган сурат-лавҳа.**


Офислар, банклар, меҳмонхоналар, муассасалар, шунингдек, фуқаролар

ДИҚҚАТИГА!

Vinlad
Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

Манзил: Тошкент шаҳри, «Қушбеги» кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: (998 712) 50-99-13, 50-46-13.
Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
E-mail: vinlad@naytov.com

СЕЙФЛАР ВА ЭШИКЛАР, ДАРВОЗАЛАР УЧУН ҚУЛФЛАР, ҚУЛФ ТИЗИМЛАРИ...




ОДДИЙДАН МУРАККАБГА.

CISA

*Қулф ва қулф тизимлари ишлаб чиқаришга 1926 йилдан бошлаб ихтисослашган Италия фирмаси.*

Қулфни идентификациялаш варақаси: калитнинг нусхасини муаллифий тайёрлаш учун. Нусха фақат CISA фирмасининг ўзи томонидан тайёрланиши мумкин, бунинг учун қулфни идентификациялаш варақасини тақдим этиш зарур.




«УСТА КАЛИТ» ТИЗИМИДА ЦИЛИНДРЛАРНИНГ ИМКОНИ БЎЛГАН МИҚДОРИ:

- «Уста калит» тизими учун ҳар хил 85 000 000 цилиндр;
- талабга кўра бошқа шакллар мавжуд;
- КА — бир хил кодли калитлар;
- МК — уста калитнинг икки даражали тизими;
- GMK — уста калитнинг уч даражали тизими;
- GGMK — уста калитнинг тўрт даражали тизими;
- СЕ — марказий тизим (масалан, турар жой биносига кириш эшиги барча калитлар билан ва ҳар бир хонадон ўз калити билан очилади ёки директор ўз калити билан ўз иш хонаси, ходимларнинг хоналари, омборлар эшикларини очади, лекин ходимлар директор хонаси эшигини оча олишмайди);
- СА — қурувчининг калитидан фойдаланилган тизим.



**Очилмаслик кафолатлари**
«очиқ-ёпиқ» циклининг 100 000дан кам бўлмаган цикли (EN 1303 меъёрларига мувофиқ ишончлилик даражаси 6).

EN меъёрларига биноан **сертификатланган**, ишончлилик даражаси 6, махфийлик даражаси 5.

6585


# Эътибор ва эъзоз

Савоб

Юртимизда қарияларни қадрлаш, уларнинг яхши кун кечиришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 84 минг нафар пенсионер ва нафақа олувчилар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 23800 нафарини ногиронлар ташкил этади. Ана шу инсонларнинг ҳолидан хабар олиш вилоят ва туман ҳокимларининг одатий бурчларига айланиб қолган. Дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар бериш, шифохоналарда бу инсонларнинг саломатлигини тиклаш бугунги кунда тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳам назоратида турибди. Бу йил Янгиер шаҳрида қаровчисини йўқотган ва кам таъминланган 60 нафар отахону онахон учун «Саховат» деб номланган янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу бино кишиларнинг яшаши учун барча шарт-шароитларга эга бўлиб, биргина қаттиқ ва юмшоқ мебелларнинг ўзига 9 миллион сўм маблағ ажратилди.

Вилоятда яшовчи ногиронларнинг зарур тиббиёт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Гулистон шаҳрида республика «Ортопедия реабилитацияси» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг филиали иш бошлади. Ана шу корхона қисқа вақт ичида 100 нафардан ортиқ ногиронга турли хил протез-ортопедия маҳсулотлари тайёрлаб берди.

3 декабрь куни Гулистон шаҳри ва туман марказларида ногиронлар учун байрам дастурхонлари ёзилди. Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали ва драма театрида эса 500 нафар ногирон болага «Умид тароналари» деб номланган хайрия концерти намойиш этилди. Ўша куни юзлаб отахону онахонлар ҳамда болаларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари туҳфа этилди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ҳурматли тадбиркорлар, ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари!



*Журнал саҳифаларида:*

- *Ўзбекистон Республикаси қонунлари;*
- *Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлар ва шарҳлар;*
- *хўжалик судларининг суд амалиёти тафсилотлари;*
- *хорижий мамлакатларнинг арбитраж ва иқтисодий судлари фаолиятига доир маълумотлар;*
- *қонунчиликни қўллаш бўйича судьялар ва малакали ҳуқуқшунослар чиқишлари.*

*Журналнинг нашр индекси:*

- *якка тартибдаги обуначилар учун* — 908;
- *ташкилотлар учун* — 909.

Манзилимиз:
700097, Тошкент ш., «Чўпонота» к., 6-уй.
Маълумот учун телефон: 77-64-95, факс: 173-72-68.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимлари орқали, шунингдек, таҳририят билан шартнома асосида ҳам амалга оширилади.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган «Хўжалик ва ҳуқуқ» — «Хозяйство и право» ОЙЛИК ЖУРНАЛИ тадбиркорлар, банк, солиқ ва молия идоралари ходимлари, ҳуқуқшунослар ва кенг омма учун мўлжалланган.

5559/2396


«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон Кино арбоблари бирлашмаси жамоалари меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
**Жалол АҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия бош директори Мирзааҳмад Алимовга отаси
**Мирзамурод АЛИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбектелефильм» студияси бош директори Мирзааҳмад Алимовга падари бузруквори
**МИРЗАМУРОД отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания маҳкамасининг масъул ходими
**Асқар САЛИМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентлик ходимаси Ибодат Комиловага отаси
**Ортиқ БЎРИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси «Информацион технологиялар ва моделлаштириш» кафедрасининг катта ўқитувчиси Дилором Пўлатовага онаси
**Тилла ШОТУРСУНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1172. 27016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6